

Атамурадов Шерзод Акрамович,

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, Кимё-металлургия факультети декани ўринбосари, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЖАҲОН АМАЛИЁТИДА ВЕНЧУР КАПИТАЛИ БОЗОРИНИНГ ТАШКИЛИЙ СУБЪЕКТЛАРИ

УДК: 336.64

DOI: 10.34920/EIF/VOL_2023_ISSUE_1_8

АТАМУРАДОВ Ш.А. ЖАҲОН АМАЛИЁТИДА ВЕНЧУР КАПИТАЛИ БОЗОРИНИНГ ТАШКИЛИЙ СУБЪЕКТЛАРИ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида юқори технологияларга асосланган соҳалар ҳамда инновацион лойиҳаларни ривожлантириш учун қўшимча молиявий ресурсларга эхтиёж сезилади. Ушбу мақолада хорижий мамлакатларда венчур капитали бозорининг институционал субъектлари ўртасидаги муносабатлари кўриб чиқилмоқда.

Калит сўзлар: инновациялар, венчур капитал, венчур фонд, диверсификация, пенсия фонди, суғурта компаниялари, инфраструктура.

АТАМУРАДОВ Ш.А. ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ СУБЪЕКТЫ РЫНКА ВЕНЧУРНОГО КАПИТАЛА В МИРОВОЙ ПРАКТИКЕ

В связи с модернизацией экономики возникает необходимость дополнительных финансовых ресурсов на развитие высокотехнологичных сфер деятельности и инновационных проектов. В данной статье исследуются взаимоотношения между институциональными участниками рынка венчурного капитала в зарубежных странах. Целью исследования является оценка возможностей развития альтернативных инструментов венчурного финансирования инновационных проектов.

Ключевые слова: инновации, венчурный капитал, венчурный фонд, диверсификация, пенсионный фонд, страховые компании, инфраструктура.

ATAMURADOV SH.A. ORGANIZATIONAL SUBJECTS OF THE VENTURE MARKET IN THE INTERNATIONAL PRACTICE

There is discussed in the article the issues of economy modernization and states that there is necessity for additional financial sources for the high-tech industries and innovation projects development. There are considered relationship between institutional participants in the venture capital market in the international practice. The author evaluates the potential for developing alternative tools of venture financing of the innovative projects.

Key words: innovation, venture capital, venture capital fund, pension fund, diversification, insurance companies, infrastructure.

Кириш.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу масалаларни ечиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ 2020 йилнинг 29 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сонли Фармони қабул қилинди¹.

Фармонда инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш белгилаб берилган.

Ушбу мақолада мамлакатда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва венчур фондларини ташкил этиш орқали инновацияларини жалб қилиш масалалари ҳамда босқичлари таҳлил қилинган.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Иқтисодиётни инновацион ривожланиши ва инновацион фаолиятни инвестициялаш масалалари тадқиқоти билан бир қатор хорижлик олимлар, жумладан, Лундвалл Б, Менш Г., Порттер М., Кортум С., Солоу Р., Тоффлер Э., Хурикава М, Фримен К., Шумпетер Й. ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан А.Виролайнен, Е.Игнатущенко, А.Попов, И. Мельникова, А.Нечаев, И.Родионов, Ю.Рюмина, Б.Лисин, Т.Тумина, Р.Фатхутдинов кабилар

иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда турли омиллар ролини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришган.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам ўрганилган. Жумладан Абулкасимов Х.П., Бегалов Б.А., Вахабов А.В., Воронин С.А., Пардаев М.Қ., Гаибназарова З.Т., Гиясов С.А., Жахонгиров И.Ж., Кадиров А.А., Махкамова М.А., Махмудов Н.М., Мухитдинова Н.К., Назарова Р.Р., Разикова Г.Х., Расулов Т.С., Шакирова Ф.Б., Юлдашев Ш.Г. ва бошқаларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий ишларига қарамасдан, бугунги кунда инновацион тадбиркорликни венчур фонлари орқали молиялаштириш механизmlарини ишлаб чиқишининг муаммоларига бағишлиланган комплекс тадқиқотларни олиб бориш талаб қилинмоқла. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг асосларини такомиллаштириш бўйича алоҳида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилмоқда.

Тадқиқот мақсади бўлиб инновацион лойиҳаларни венчур молиялаштиришнинг муқобил воситалари имкониятларини баҳолаш бўлиб ҳисобланади.


Тадқиқот методологияси.

Маълумки, бозорда узоқ вақт фаолият олиб бораётган тажрибали ҳамда йирик корхоналар учун инвестицияларнинг роли - стратегик ривожланиши таъминлашдан иборат бўлса, кичик ва бозога янги кириб келган корхоналар учун инвестициялар нафақат ривожланиш, асосан рақобат муҳитида курашишда жон сақлаб қолиш учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Бу эса кичик бизнес капиталининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Кичик бизнес йирик бизнесга қараганда анча ўзгарувчан ва стратегик мослашувчанликка эга. Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари бозорда олдиндан фаолият юритиб келаётган компаниялар билан очиқ рақобатга киришолмаслиги мумкин, бироқ улар бу даврда ўзининг бозордаги ўрни ва мавқеини эгаллай бошлашади, шу сабабли кичик бизнесда одатда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сонли Фармони..

1-расм. Венчур фондининг ишлаш схемаси.



йирик компанияларга қараганда камроқ сармоялар талаб қилинади.

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, кичик бизнес катта бизнесга қараганда унчалик барқарор эмас. Масалан, мижозлар томонидан тўловларни маълум муддатга шунчаки кечиктирилиш ҳолатининг ўзи кичик бизнеснинг фаолиятига салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Шу сабабли инвестицияларнинг зарур ҳажмига ўз вақтида эга бўлиш бизнесда барқарорликни таъминлайди ва ўсиш учун зарурий шартшароитларни яратади.

Инновацион бизнесга келадиган бўлсак, уни молиялаштириш учун инвестиция манбаларини жалб қилиш осон эмас. Чунки янгиликка асосланган, яъни инновацион бизнеснинг дастлабки босқичларида юқори таваккалчилик хатари мавжуд бўлиб, сармоя киритилган лойиҳаларнинг якуний натижалари амалга оширилгандан кейин ижобий самараға эришилмаса киритилган маблағдан ажralиб қолиш хавфи юқори ҳисобланади. Айниқса илм-фан соҳасидаги илмий-тадқиқот натижалари молиялаштирилгандан сўнг анча вақтгача даромад келтириши кафолатланмаганигини ҳам таъкидлашимиз керак.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Профессионал молиявий воситачилар институционал венчур капитали бозорида фаолият юритиб, пенсия жамғармалари, банклар, суғурта компаниялари ва бошқа молия институтлари-

нинг молиявий манбаларини бизнесларига инвестиция сифатида жалб қиласидилар. Ушбу мақсадлар учун тажрибали венчур инвесторлари томонидан бошқариладиган венчур фонdlари ташкил этилади.

Одатда, хорижда мамлакатларда венчур фонdlари чекланган муддатда фаолият юритувчи (ўн йилдан ортиқ бўлмаган) масъулияти чекланган жамиятлар шаклида тузилади. Бундай шериклик юридик шахс хисобланмайди (бу икки марта солиқ тўлашдан озод қиласи, шунингдек рўйхатдан ўтиш тартибини ва бошқа ташкилий жараёнларни сезиларли даражада соддалаштиради). **Худди шу тамойил Ўзбекистонда давлат иштирокида венчур фонdlарини ташкил этишда ҳам қўлланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

Етакчи (бош) ҳамкор сифатида венчур фонdlини ташкил қилувчи ҳамда инвестиция билан боғлиқ қарорларини қабул қиласидиган, венчур маблағларини бошқарувчи компания (БК) фаолият юритади. Одатда, самарали фаолият юритадиган венчур компаниялари бир вақтда бир нечта венчур капитал фонdlарини кетма-кет бошқариб борадилар. Умумий шериклар устав фондидан улушга эга бўлиш орқали компанияга инвестиция киритишади. Кўп ҳолларда, умумий шериклар шўъба корхоналар ташкил этадилар.

Масъулияти чекланган ҳамкорлар одатда, пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари ва банклар каби институционал инвесторлар

ҳисобланадилар. Шу билан бирга, ҳомийлар кенгаси ва олий таълим муассасаси (ОТМ) қошидаги жамғармалар сифатида ўзларининг венчур фондларини ташкил этмаган бошқа ташкilotлар (корпорациялар) ва жисмоний шахслар ҳам ҳамкорлар сифатида иштирок этишлари мумкин.

Сўнгги йилларда Европа мамлакатларида давлат томонидан бюджет маблағларини мамлакатнинг ёки алоҳида ҳудудлар ва тармоқларнинг инновацион фаолиятини рафбатлантириш мақсадида тақсимлаш ваколати берилган идораларнинг масъулияти чекланган ҳамкорлар сифатидаги иштироки тобора кўпроқ таъминланмоқда.

Масъулияти чекланган ҳамкорликнинг (МЧХ) бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардан устунлиги унинг солиқ тўлашдаги аниқлигиdir – солиқлар бир марта яъни шериклар фақатгина даромад олганда тўланади, яъни МЧХнинг ўзи юридик шахс сифатида солиқقا тортилмайди.

Фондни бошқариш учун барча шартларни шартнома орқали белгилаб олишга имкон берувчи ташкилий шароитга мослашувчанилиги ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Маълумки, шартнома шартлари шерикларнинг хоҳишларига қараб ўзгариб туриши мумкин. Бу нарса томонларнинг (инвесторлар ва венчур сармоядорлари) лойиҳадан «чиқишида»ги умумий якуний мақсади ҳисобланган максимал фойда олишда бошқарув қоидаларини қонуний равишда белгилаб олишга имкон беради. Шундай қилиб улар фонднинг даромадга эришишидан манфаатдор бўладилар. Шунингдек бундай шартномалар ҳар бир иштирокчини бошқа томоннинг нотўғри ёки кутилмаган ҳаракатларидан ҳимоя қилишга имкон беради.

Баъзан бошқарувчи компания фаолиятини кузатиб бориш мақсадида инвесторлар томонидан фонднинг инвестиция қўмитаси тузилиши мумкин. Бу ҳолда, бошқарув компанияси учун инвестиция қўмитасининг қарорларини ҳисобга олиш мажбурий ҳисобланади. Шунингдек инвестиция обьектларини танлаш, ажратилган маблағлар миқдори, «чиқиш» вақти ва тартиби, фойдани тақсимлаш каби барча асосий қарорларни инвестиция қўмитаси тасдиқлаб бериши керак бўлади. Инвестиция қўмитаси ва бошқарув компанияси ўртасидаги муносабатлар

ва ваколатлар томонларнинг келишуви билан тасдиқланади ва тегишли ҳужжатларда белгилаб олинади.

Венчур фонди ҳузурида инвесторлар, мутахассислар ва фонд аъзоларини қизиқтирган масалалар ёки муаммолар бўйича маслаҳат берувчи турли тармоқ ва соҳа вакилларидан иборат эксперталарнинг маслаҳат кенгашини хам тузиш мумкин. Маслаҳат кенгашига венчур бизнесида тажрибали ва таниқли шахсларнинг иштирок этиши ушбу венчур капитал фонднинг обрўсини сезиларли даражада оширади.


Фондни ташкил этишда (аъзоликни тұхтатишида), МЧХлар ўз зиммаларига белгиланган муддатда (график инвесторлар билан келишилган ҳолда бош ҳамкор томонидан тасдиқланади) ёки бош ҳамкорнинг талабига кўра келишилган миқдордаги молиявий ресурсларни фондга киритиш мажбуриятини оладилар. Ушбу мажбурият коммитмент деб аталади. Бош ҳамкорга компания портфели доирасида молиялаштиришнинг навбатдаги раундида маблағ зарур бўлганда у инвесторларга коммитмент бўйича тўловни амалга ошириш талабномасини юборади. Бунда, қўйидаги масалалар ҳал қилинади:

- фондда бўш пул маблағларини жалб қилиш муаммоси бўлмайди;
- инвесторларнинг маблағлари бир неча йил давомида музлатиб қўйилмайди;
- бош ҳамкор инвестицияларнинг юқори рентабеллигини таъминлайди.

Одатда бош ҳамкор ҳам венчур фондига инвестиция киритади, аммо унинг ҳажми аҳамиятли даражада катта бўлмайди – яъни, умумий инвестиция ҳажмининг бир фоиздан озроқ қисмини ташкил қиласади.

Инвесторлар рўйхати аниқ бўлгандан кейин **инвестиция меморандуми** тузилиб, унда фондни ташкил этиш ва унинг ишлаш тартиби, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда низоларни ҳал қилиш механизми аниқ белгилаб қўйилади. Гарчи барча томонлар ўзаро келишиб олишгандан сўнг, энди келишувдан четга чиқиш қабул қилинмасада, инвестиция меморандуми юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланади. Инвестиция меморандуми кўпинча маҳфий ҳужжат ҳисобланади.

2-расм. Венчур фондларини ташкил қилиш босқичлари.



Инвестиция меморандуми тузилгандан сўнг, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаш босқичи бошланади. Ушбу босқични **якунлаш фондни ёпиш** деб номланади.

Фондни ёпиш - бу маблағ йиғиш босқичининг охри, венчур фондини тугатиш эмас. Ёпиш фақат фонднинг инвестицион фаолияти жараёнини очади.

Бошқарув компанияси фонднинг барча маблағлари киритилгандан сўнг, одатда ўз портфелидаги венчур компанияларга инвестициялашни давом эттириш ёки янги, потенциал жиҳатдан фойдали лойиҳаларни излаш учун қўшимча фонд ташкил этади. Одатда, бош ҳамкор мавжуд МЧХ учун ҳамда янгилари шерикларни жалб қилиш мақсадида ҳар 3-5 йилда янги янги фонд ташкил қиласди (2-расм).

Европа венчур фондлари фаолиятини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдиги, масъулияти чекланган ҳамкорлар венчур капитал фирмаларини танлашда эҳтиёткорлик билан ёндашишади ва қуидаги мезонларни ҳисобга олишади:

- венчур капитали фирмаси томонидан илгари бошқарилган ресурслар ҳажми ва венчур фондларининг рентабеллиги;
- венчур капитал фирмасининг маълум вақт давомида ихтисослашган идоралар ва таш-

килотлар томонидан тузилган рейтингларда эгаллаган погонаси (NVCA - АҚШ миллий венчур капитали ассоциацияси, EVCA - Европа венчур капитал ассоциацияси, венчур иқтисодиёти бўйича маълумотлар базаси ва бошқалар);


- уларнинг хизматларидан фойдаланган тадбиркорлар ёки умуман ишбилармон доиралар орасида венчур капитал фирмасининг обрўси;
- венчур капитал фирмаси ходимларининг касбий малакаси;
- фондни ташкил этиш шартлари (венчур капитал фирмаси мукофотлари, фонднинг фаолият кўрсатиш муддати, инвестициялар жадвали, кутилаётган фойда);
- инвестиция портфелини диверсификация қилиш бўйича стратегияси.

Агар маълум бир лойиҳага киритилган инвестициялар муваффақиятли амалга ошса, венчур капитал фирмаси масъулияти чекланган ҳамкорларнинг инвестициялари рентабеллигини таъминлаш мақсадида қулай вақт келганда компаниянинг устав капиталидаги улушини сотади (муваффақиятли лойиҳаларда бу даромад одатда ўртача бозор кўрсаткичларига қараганда анча юқори). Шундан сўнг, агар фонднинг ишлаш муддати ҳали тугамаган бўлса ва барча маблағлар инвестицияга йўналтирилмаган

3-расм. Венчур инвестициялашда молиявий оқим.



4-расм. Бизнес фаришталар ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатлар.



бўлса, унда янги инвестиция обьектлари қидирилади.

Бош ҳамкор ўзининг жорий фаолиятини юритиш учун фонд маблағларини бошқариш эвазига масъулияти чекланган ҳамкорлардан бадал олиб туради. Бундан ташқари, венчур капитал фирмаси, фаолияти тугагандан сўнг, фаолият натижаларига кўра - фонд фойдасининг улуши кўринишида мукофотланади. 3-расмда венчур инвестициялашда пул оқимларининг тақсимланиш схемасини ифодаланган. Ушбу схемада, венчур инвесторлари институционал инвесторлар ва молиялаштиришга муҳтож бўлган корхоналар ўртасида молиявий восита-чилар ролида фаолият олиб бориши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Бизнес фаришталари хам кўпинча венчур инвесторлари деб юритилади. Чунки, уларнинг ҳаракатлари кўп жиҳатдан венчур инвесторларини кўп жиҳатдан венчур инвесторларини ўхшайди, бироқ венчур капитал фирмалари институционал инвесторлар маблағларини сармоя сифатида йўналтирсалар, бизнес фаришталари ўз маблағларини инвестиция қилиш орқали улардан фарқ қилишади. Бизнес фаришталарини бир нечта жиҳатларига кўра икки тоифага ажратиш мумкин.

Индивидул инвесторлар – улар одатда шахсий мулклари ва инвестиция жамғармаларини дўйстлари ёки қариндошлари бизнесига тикишади. Шунингдек, улар маслаҳатчилар томонидан тавсия этилган энг истиқболли лойихалар учун ҳам ҳаракат қилишлари мумкин, бироқ

инвестициялаш тўғрисидаги қарорларини шахсан қабул қилишади.

Тадбиркорлар ёки иқтисодиётнинг маълум бир соҳасига алоқадор бўлган шахслар гуруҳи. Улар қабул қилган инвестиция қарорлари шахсий бизнесларига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу инвесторлар классик венчур сармоядорларига қараганда паст рентабелликга эга бўлган кичикроқ инвестициялашларни амалга ошириши мумкин. Шунингдек, улар инновацион корхоналарнинг дастлабки босқичларига кўпроқ диққат қаратишади, бу уларга «ўлим водийси» деб номланган босқични енгишга имкон беради. Бундай гуруҳ фаолиятини 4-расмда келтирилган схема орқали ифодалаш мумкин.

Гарчи бизнес фаришталари одатда ўз фаолиятини очиқ намоён қилмасаларда, баъзи тахминларга кўра, бундай инвестициялар ҳажми расмий венчур капитал ҳажмидан кам эмас.

Венчур капитали сифатида қўйиладиган инвестицияларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, уларни фақат хусусий компанияларга киритиш мумкин.

Булар акцияларини фонд биржаларида ёки муқобил платформаларда сотиш имкониятига эга бўлмаган ёпиқ компаниялар хам бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун ноаниқлик билан боғлиқ хатарларни камайтириш мақсадида венчур инвесторлари ўzlари тажрибага эга бўлган ҳамда яхши билган соҳаларга сармоя киритадилар.

Инвестиция киритилган компанияларнинг ёпиқлиги, бир томондан, венчур инвесторлари учун рақобатдаги устунлигини таъминлайди, чунки улар инсайдер маълумотларига эга бўлишади ва иккинчи томондан, юқорироқ даромад келтирадиган инвестицияларнинг таваккалчилик хавфини камайтиришади.

Хулоса ва таклифлар.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам венчур инвестицияларни жалб қилишга мўлжалланган ва компанияларни инвестицияларни қабул қилишга тайёрлайдиган, инновация компанияларининг, венчур инвестицияларни амалга ошириш хусусиятини тушундиган малакали кадрлар сони жуда чекланган. Бунинг боиси венчур молиялаштириш бўйича мутахассисларни

тайёрлашнинг комплекс дастурларининг мавжуд эмаслигидир.

Бизнес бўйича таълимнинг барча жабҳалари бўйича менеджерлар тайёргарлигини олиб бораётган давлат ва нодавлат таълим муассасалари венчур молиялаштириш соҳасида юқори малакали мутахассисларнинг тайёрланишини таъминлай олмаяпти.

Шу муносабат билан венчур молиялаштириш соҳасида ихтисослаштирилган таълим тизимини шакллантириш ва услубий таъминотни ишлаб чиқиш долзарб масала деб ҳисоблаймиз. Буни қўйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

- “Молия ва кредит”, “Инновацияларни бошқариш” каби мутахассислар бўйича таълим олаётган талабалар учун олий таълим муассасалари қошида венчур молиялаштириш бўйича маҳсус маъruzалар курсини ташкил қилиш;

- венчур молиялаштириш бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг маҳсус касбий тизимини яратиш.

Бундан ташқари мамлакатимизда венчур молиялаштиришни ривожлантириш ҳамда венчур фонdlари фаолиятини йўлга қўйишдаги асосий муаммоларни бартараф этиш мақсадида соҳада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгаришиш учун хусусий венчур сармоясининг иқтисодиётга киритилишини таъминлайдиган, шунингдек илмий-техник соҳада инновацион фаолият ва тадбиркорлик мұхитини фаоллаштириш орқали самарали таъсир қиладиган ташкилий-иқтисодий механизм яратиш зарурияти туғилади.

Шунингдек, ҳозирги кунда венчур молиялаштириш жараёнининг потенциал иштирокчилари ушбу соҳада етарлича ахборотга эга эмас. Хусусан, венчур фонdlари, инвестиция обьектларини қидиришда айрим қийинчиликларга дучкелишади, ишлаб чиқариш менежерлари венчур молиялаштириш қоидалари ва хусусиятларини билмайди ёки етарлича тушунмайди. Демак, венчур саноати самарали ривожланиши учун ушбу соҳага тегишли бўлган ахборотларни ўзида жамлаган ягона ахборот базасини шакллантириш мұхим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги ЎРҚ-576-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6097-сон Фармони.
4. Лапицкая Л.М. Венчурное финансирование: учеб. пособие / Л.М.Лапицкая. – Минск : БГУ, 2019. 12-бет
5. Салмина О.А. Финансирование инновационной деятельности: мировой опыт и российская практика// Успехи современного естествознания, 2008., № 7, с. 76.-81
6. Хамидулин М. Финансирование инновационной деятельности: государственные программы и фонды// ж. «Управление предприятием», 2012 г., №4 (58), с. 41-47.
7. Хамидулин М. Особенности финансирования инноваций // ж. «Управление предприятием», 2012 г., № 8, с. 58-67.
8. Атамурадов Ш. Инновацион фаолиятни венчурли молиялаштиришнинг халқаро моделиларини жорий этиш самарадорлиги. "Иқтисод ва молия" илмий-амалий журнали 2019 йил №1 (121) 47-54 бетлар
9. Атамурадов Ш. Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалаштириш моделилари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 2019 йил № 2,
10. Атамурадов Ш. Турли минтақаларда венчур инвестицияси муҳити таҳлили хамда венчур бизнесини Ўзбекистон иқтисодиётига жорий этиш муаммолари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали 2019 йил № 6 (00044) 69-79 бетлар
11. Ashurova N.B. Tax policy with favorable investment climate establishment in the republic of Uzbekistan №11 2015. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research Year : 2016, Volume : 5, Issue : 3 Pages 30-36 Online ISSN : 2319-1422 <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasi-soli-siyosati-va-soli-so-asidagi-izhtimoiy-amkorlikni-amalga-oshirish-y-nalishlari>
12. N. Ashurova, Sh Atamuradov. Analysis of the Venture Investment Environment in the United States, Europe and Asia and the Problems of Uzbekistan in This Region "TEST: engineering and management" USA. 2020/5/6 Vol. 83 pages: 592-600
13. Sh Atamuradov The world tendencies of innovative venchur system development" "International Journal of Psychosocial Rehabilitation Malaysia Малайзия (Vol. 24, Issue 06, 2020 ISSN: 1475-7192)
14. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Diffusionofinnovations>